

Фикҳ дарслари (214-дарс) Сутра ҳақида



19:00 / 19.01.2023 2463

Энди намозда сутра масаласига оид матнларни ўрганамиз.

Кичик масжидда намозхоннинг олдидан ўтиш ила гуноҳкор бўлинади.

Бу ҳукмга қуйидаги ҳадиси шариф далилдир:

نَعُ، هُنَعُ هَلَلَا يَضَرُّمِي هُجَّ يَبَأُ نَع
مَلَسُو هِيَلَع هَلَلَا يَلَصُّ يَبُّنَلَا
يَدَيَّ نَيَّبُ رَامَلَا مَلَعِي وَوَلَّ: لَأَق
نَأ نَأ كَلَّ هِيَلَع إِذَام يَلَّ صُمَلَا
رُمِي نَأ نَمُ هَلَّ أَرِيخَ نَيَّ غَبُّرَأ فِقِّي
أَل: رُضُّنَلَا وَوَبَأ لَأَق. «هِيَدَيَّ نَيَّبُ

وَإِذْ هَدَيْنَاكُمْ شَوْءَ وَأَمْوَالَكُمْ نِيْعَ بَرَأْلَاقِ يَرْدَا ةَسْمَخْلَا هَاوْرَ ةَنَسْ

Абу Жухайм розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Агар намозхоннинг олдидан ўтувчи киши ўзига нима (гуноҳ) бўлишини билганида эди, (намозхоннинг) олдидан ўтишдан кўра қирқ (йил, ой, кун) тўхтаб туриш унинг учун яхшироқ бўлар эди», дедилар».

Абу Назр (ҳадисни Бусрдан ривоят қилган ровий:) «Қирқ кун» дедими, ёки «ой», ё «йил»ми, билолмадим», деган».

Бешовлари ривоят қилишган.

Аmmo ундан бошқа жойда саждагоҳига назар солиб ўқиётган намозхоннинг кўзи етадиган жойдан ўтган гуноҳкор бўлади.

Бу ҳолатда кўзи етадиган жой сажда қиладиган жой бўлади. Буни кўпчилик уламолар таъкидлаганлар.

Агар намозхон дўкон устида ўқиётган бўлса ва олдидан ўтаётган одамнинг аъзоси аъзоларига тенглашса, ўтувчи гуноҳкор бўлади.

Бундаги «дўкон»дан мурод, қадимда савдогарлар растада ўзлари ўтириб, атрофига савдо молини ёйиб қўядиган сўри – каравотлардир. Уларнинг баландлиги ҳар хил бўлган. Агар дўкон соҳиби каравотнинг устида намоз ўқиётган бўлса-ю, унинг олдидан ўтувчининг бўйи дўкондан паст бўлса, ўтувчи гуноҳкор бўлмайди, акс ҳолда гуноҳкор бўлади.

Буларнинг ҳаммаси намозхоннинг икки қошидан бирининг тўғрисиغا санчиб қўйилган бир аршин узунлигидаги ва бармоқ йўғонлигидаги сутраси бўлмаган ҳолатдадир.

«Сутра» деганда намозхоннинг олдидан бирор нарса ўтмаслиги учун қўйилган тўсиқ тушунилади.

«Сутра»ни ҳанафий ва моликий мазҳаблари мандуб, шофеъий ва ҳанбалий

мазҳаблари мустаҳаб, деганлар.

Девор, устун, найза, асо, бошқа бирор нарса сутра бўлиши мумкин. Ҳеч нарса топилмаса, битта чизиқ чизиб қўйилса ҳам бўлади. Мақсад, намозхоннинг олдидан бирор нарса ўтиб, кўнглини бузмасин, хусусан, шайтон васваса қилмасин.

نَع ُ، هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّهَ خَلَطُ نَع
مَلَسُو هَيْلَع هَلَلَا يَلْصُقُ بِنَلَا
هَيْدَي نَيَبُ مَكُدَحَ أَعَضَو إِذَا: لَلَاق
الْوَلْصُقُ يَلْفَلُ خَلَلَا هَرُخُومَ لَثِم
هَأُورُ. «كَلَّ ذَاءَ أَرَوَّ رَمَ نَمَلَابُي
يُذِمُّ رَتَلَاو دُوَادُ وَبَأُو مَلْسُمُ

Толҳа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачонки бирингиз олдига эгар суянчиғичалик нарсани қўйса, унинг ортидан ким ўтганига эътибор бермасдан намозни ўқийверсин», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

يَضَرَّ دَوْسَ أَلَا نَبِ دَادُقُ مَلَا نَع
لُؤْسَرُ تُيَّ أَرَامَ: لَلَاقُ هُنَعُ هَلَلَا
مَلَسُو هَيْلَع هَلَلَا يَلْصُقُ هَلَلَا

الْوِدُومَعِ الْوِدُوعِ يَلِيَّ لَصِي
هِبِجَاحِ يَلَعُ هَلَعَجِ الْإِةَ رَجَشِ
هُلْ دُمُصَيِّ الْوِرَسِيَّ أَلِ وَأَنْ مَيَّ أَلِ
دَمَحْ أَوْ دُوَادُ وَبَأْ هَاوَرِ. أَدْمَصِ

Миқдод ибн Асвад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир шохга ёки устунга, ёхуд дарахтга қараб намоз ўқиётганларини кўрсам, албатта, ўша нарсани ўнг ёки чап қошларининг тўғрисига олиб ўқиётганларини кўрдим. У нарсага тўппа-тўғри турмас эдилар».

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Имомнинг сутраси кифоя қилади.

نَا : اَمُّهُ نَعُ هَلَلَا يَضَرَّ رَمْعِ نَبَا نَع
مَلَسُو هَيْلَعِ هَلَلَا يَلَصِيَّ بِنَلَا
يَلَصِيَّ فُةَ بَرَحْلَا هَلْ زَكُرِيَّ نَاك
يَزِمَّرْتَلَا الْإِةَ سَمَخْلَا هَاوَرِ. اَهْيَلَا

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга калта найза санчиб бериларди ва у зот ўшанга қараб намоз ўқир эдилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Саҳобалардан бири «ҳарба» ёки «аназа» деб аталадиган калта найзани кўтариб юрар эди. Очиқ жойларда намоз ўқиладиган бўлса, уни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўғриларига санчиб қўйиларди. Ўша найза тўсиқ вазифасини ўтар эди. Имомнинг тўсиғи қавмга ҳам тўсиқ ҳисобланарди.

Ўтиш эҳтимоли ва йўл бўлмаганда уни тарк этиш жоиздир.

Намозхоннинг олдидан бирор нарсанинг ўтиш эҳтимоли бўлмаса, намоз ўқиладиган жой йўл бўлмаса, сутра қўймай намоз ўқиса ҳам бўлади.

يَضْرِبُ سَابِعَ نَبِيٍّ لَضَفْلٍ اِنْعَ
لُوسَرَ اِنَاتَا لِقَامُهُ نَعُهُ لَلَا
مِلْسُو هِيْلَع هِلَلَا يِلْصِ هِلَلَا
سَابِعُهُ عَمَّو اِنَلِيَّةَ يَدَابِ يِفُ نَحْنُو
نَيِّبِ سَيِّلِ اَرْحَصِ يِفِ يِلْصَفِ
بَلَلِكْ وَاِنَلِ اَرْحَمْ وَاَرْتُسِ هِيَدِي
يَلْاَبِ اَمْفِ هِيَدِي نَيِّبِ نَاثَبُ عَتِ
دُوَادُ وُبَا هَاوَرِ كَلَذِ

Фазл ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Сайхонликда турганимизда ҳузуримизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келдилар. Аббос у зот билан бирга эди. Бас, у зот саҳрода намоз ўқидилар. Олдиларида сутра йўқ эди. Бизнинг урғочи эшагимиз ва бир ит олдиларида ўралашиб юрарди. У зот эътибор қилмадилар».

Имом Абу Довуд ривоят қилган.

Агар сутра бўлмаса ёки ўтувчи намозхон билан сутрасининг орасидан ўтса, (намозхон уни) тасбеҳ ёки ишора билан қайтаради.

يُنْطَقُ رَدْلًا وَ لِكُلِّ أَمٍّ وَ دُوَادٍ يَبَّأَلُ وَ
أَوْ أَرْدَاوُ، ءَيْ شَ ةَ أَلَّصَلَّ اُغَطَّقِي أَلَّ
وَ هَ أَمَّنْ إِفْ، مُتَّغَطَّتْ سَا أَم
«نَاطِي شَ».

Абу Довуд, Молик ва Дора Қутнийнинг ривоятида:

«Намозни ҳеч нарса кесмайди. Қудратингиз етгунча қайтаринг. Бас, у шайтондан бошқа нарса эмасдир», дейилган.

Яъни, бу «Намоз ўқиётганингизда олдингиздан ўтувчини қудратингиз етганича қайтаринг, у шайтондан бошқа нарса эмасдир», деганларидир. Бу қайтариш намозхоннинг «Субҳаналлоҳ!» деб тасбеҳ айтиши ёки ишора қилиши билан бўлади. Аёл кишилар эса ўнг қўлини чап қўлига уриб, овоз чиқариш ила қайтардилар.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди